

Аллоҳ таоло Воқиъа сурасида:

نُؤَلِّمُكَ أَهْلَ الْآخِرَةِ

«Қилиб юрган амаллари мукофотидир», деган (24-оят).

Демак, охирадаги жазо бу дунёдаги амалларга боғлиқдир. Бандалар қилиб ўтган амалларининг жазоси ёки мукофотини оладилар.

«Қадария» - бандалар ўз ишларини қилишга қодирдир, уларни яратувчидир, деб эътиқод қилувчилардир. Улар ҳар бир яхшилик ёки ёмонлик Аллоҳнинг тақдир қилиши билан бўлишини инкор қиладилар. Уларнинг наздида, банданинг иши Аллоҳнинг қадари, илми ва иродаси билан бўлмайди. Қадария мазҳабининг бу фикрига мўътазила мазҳаби ҳам қўшилган.

Аҳли сунна ва жамоа мазҳаби уламолари қадария мазҳабининг далилларига ҳам кучли раiddиялар берганлар.

Биринчи оятнинг маъноси «сурат берувчиларнинг, тақдир қилувчиларнинг энг яхшисидир», деганидир. Зеро, арабларда баъзи вақтларда «халқ» сўзи яратиш дея зикр қилиниб, унда тақдир қилиш маъноси ирода қилинади.

«Қилиб юрган амаллари учун жазодир» оятининг маъноси, қилиб ўтган амаллари сабабидан жазо ёки мукофот берилади, деганидир. Яъни, бандалар жаннатга ёки дўзахга амаллари сабабидан кирадилар. Сабабларни яратувчи эса Аллоҳдир. Ушбу оятда ишлатилган «бо» ҳарфи сабаб маъносини ифода этади.

«Сунний ақийдалар» китоби асосида тайёрланди